

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ТАРАФЛАРНИНГ ИШТИРОКИ: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР МИСОЛИДА

Болтаев Аслиддин Азимович,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси мустақил
изланувчиси, asliddinboltayev@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада маъмурий суд ишларини юритиши борасида амалга оширилаётган ишлар, унинг бугунги кундаги ривожи ҳамда судларнинг профессионал ёндашуви, ривожланган мамлакатлар маъмурий суд иши юритиши соҳасини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларга оид масалалар ёритилган. Шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Швейцария, Хитой, айрим МДҲ мамлакатларининг маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги қонунчилигининг аҳамиятига тўхтанилган.

Калим сўзлар: маъмурий суд иши юритуви, тарафлар, аризачи, жавобгар, муаммо, ҳуқуқий ечимлар, қонунчиликни таомиллаштириши.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы административного судопроизводства, его развитие на сегодняшний день и профессиональный подход судов, вопросы, связанные с правовой базой, регулирующей сферу административного судопроизводства в развитых странах. Также, была затронута важность законодательства об административном судопроизводстве США, Великобритании, Германии, Франции, Швейцарии, Китай, некоторых стран СНГ.

Ключевые слова: административное судопроизводство, стороны, заявитель, ответчик, проблема, правовые решения, совершенствование законодательства.

КИРИШ

Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш азалдан доимо долзарб масала ҳисобланади. Айниқса, маъмурий суд ишларини юритишида бир тарафдан ҳокимият ваколатларига эга субъект – маъмурий органларнинг иштирок этиши бу борада ўзига хосликларни келтириб чиқаради. Бу эса, тарафларнинг ҳуқуқий мақомига доир ёндашувларни таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида “Ҳар кимга ўз хуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш хуқуки кафолатланиши” белгиланган¹.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 40-моддаси суд жараёнида иштирок этувчи тараф сифатида аризачи ҳамда жавобгарни белгилайди. Бунда ўзларининг хуқуклари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида талаб тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб талаб тақдим этилган фуқаролар ва юридик шахслар аризачилар ҳисобланишса, ариза (шикоят) талаби қаратилган маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари жавобгар тараф сифатида тан олинади. Бунда ҳар икки тараф ҳам teng процессуал хуқуклардан фойдаланиши кафолатланади².

Маъмурий суд ишларини юритишида аризачи сифатида одатда, жисмоний шахслар кўрилсада, аслида ушбу тарафда хорижий ва халқаро ташкилотлар, шунингдек жамоат ва диний ташкилотлар иштирок этади. Бундан ташқари, ариза давлат органлари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, сайлов комиссиялари, шунингдек бошқа давлат органлари билан иш олиб борадиган органлар ва ташкилотлар, шунингдек мансабдор шахслар томонидан берилиши ҳам мумкин. Масалан, чет эл фуқаросини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юбориш (МЖтК 225-модда).

Жавобгар сифатида турли шахслар, шу жумладан давлат ҳокимияти органлари, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, сайлов комиссиялари, шунингдек муайян маъмурий ваколатларга эга бўлган органлар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар бўлиши мумкин. Масалан, нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашилганда ушбу орган жавобгар тарзида ишда иштирок этади.

МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маъмурий суд ишларини юритиши ҳақида гапирганда, шуни таъкидлаш керакки, ушбу жараён суд иштирокчиларини аниқлайди, уларга муайян хуқуқ ва мажбуриятларни ҳам юклайди. А.А.Соловёвнинг фикрига кўра, маъмурий

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

² Ўзбекистон Республикасининг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон.

суд жараёнининг ўзига хос хусусиятлари унинг томонларининг ҳуқуқий мақомига таъсир қиласади³.

Хитойда маъмурий суд ишларини юритишнинг асосий мақсади фуқаролар ёки юридик шахсларга маъмурий органларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида етказилган зарар учун компенсация олиш имкониятини бериш ҳисобланади⁴. Бироқ, ушбу мамлакат қонунчилиги бизнинг Ўзбекистон Республикасининг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 42-моддасида белгиланганидек ишга даҳлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш институти ҳақида қоида белгиламайди.

Германияда маъмурий суд ишларини юритиш учун диспозитивлик принципи қўлланилади, унга кўра ҳуқуқлари бузилган шахс судга мурожаат қилиши мумкин⁵. Ушбу мамлакат маъмурий судлари тўғрисидаги қонун маъмурий даъвони шакллантириш учун аниқ қоидаларни белгилайди⁶.

Инглиз ҳуқуки маъмурий суд ишларини юритиш борасида ўзига хосликни намоён қиласади. Хусусан, АҚШда маъмурий иш юритиш моддий ва процессуал маъмурий ҳукуқ нормаларини бирлаштиради, судлар эса фуқароларнинг аризаларини кўриб чиқиша мухим ва асосий ролни ўйнайди⁷. Асосийси, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти процессуал қоидаларга риоя қилиш мухимлигини ҳам кўрсатади.

1787 йилги АҚШ Конституциясига киритилган ўзгартириш ҳаётдан, озодликдан ёки мулкдан маҳрум қилишнинг қонуний тартибини, шунингдек мулкни жамоат эҳтиёжлари йўлида фойдаланиш учун адолатли компенсацияни кафолатлади⁸. АҚШдаги маъмурий суд иш юритиш қоидаларига мувофик, аризалар судгача ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Франция маъмурий суд ишларини юритишида умумий ва маъмурий судлар ўртасида юрисдикцияни фарқлаш долзарб ҳисобланади. Суд жараёни префектнинг, томонларнинг илтимосига биноан ёки тегишли қоидалар билан тартибга солинадиган судларнинг ташаббуси билан бошланади.

³ Соловьев А.А. Общая характеристика правового положения сторон административного судопроизводства // Административное право и практика администрирования. 2018. №1. С. 33-43.

⁴ Козырин А.Н. Административное право зарубежных стран. М.: Спартак, 1996. 229 с. 50-б.

⁵ Силайчев М.В. Федеральный закон «Об административных процедурах» - предмет правового регулирования // Актуальные проблемы российского права. 2007. №2. С. 65-71. 67-б.

⁶ Силайчев М.В. Федеральный закон «Об административных процедурах» - предмет правового регулирования // Актуальные проблемы российского права. 2007. №2. С. 65-71. 68-б.

⁷ Чатурведи А.А., Капустин С.А. Административная процедура в США и ее правовое значение // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2011. №9. С. 192-199. 193-б.

⁸ Конституция Соединенных Штатов Америки 1787 г. // Соединенные Штаты Америки. Конституция и законодательные акты: пер. с анг. / сост.: В.И. Лафитский, под ред. и со вступ. ст. О. А. Жидков. М.: Прогресс-Универс, 1993.

Ю.Е.Аврутиннинг таъкидлашича, маъмурий суд ишини юритиш нафақат маъмурий хатоларни “тузатиш” вазифасини бажаради, балки ушбу хатолар содир этилиши натижасида ҳам юзага келади. Суд жараёни аллақачон бузилган ёки ҳуқуқ борасидаги низони суд томонидан ҳимоя қилиш зарур бўлган пайтдан бошланади⁹.

Юқоридагилардан кўринадики, хорижий мамлакатлар қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти асосий вазифа сифатида суд ҳимояси учун томонларнинг тенг имкониятларини таъминлаш ҳисобланади. Маъмурий суд ишларининг асосий мазмуни фуқарони давлат ҳокимиятининг ўзбошимчаликларидан ҳимоя қилишдир. Давлат ҳокимияти органи ҳуқуқий муносабатларда кучли субъект сифатида ҳаракат қилганлиги сабабли, унинг фаолияти компенсацион функцияга эга тегишли процессуал механизмлардан фойдаланган ҳолда оқилона чекланиши керак¹⁰.

Суд ҳимоясини таъминлашга доир стандартлар ҳар бир фуқаронинг судга мурожаат қилиши учун кафолатланган имкониятни англатади. Маъмурий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан, ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишга давлат органининг аралашуви ноқонуний деб ҳисоблаган ҳар бир шахс учун инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига мурожаат қилиши кераклигини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, ваколатли давлат ҳокимияти органи томонидан фуқарога нисбатан қабул қилинган қарор ноқонуний деб ҳисоблаган шахс тегишли ҳуқуқ борасида судга шикоят қилиши керак¹¹.

Европа Конвенциясининг 6-моддаси маъмурий хужжатларни, шунингдек судда давлат органларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигини кўриб чиқиш ҳуқуқини кафолатлайди. Суд ҳимояси билан боғлиқ Конвенциянинг асосий талаблари айрим низоларда яққол намоён бўлади.

Т.В.Звереванинг фикрига кўра, буюк Британияда мамлакат миллий суд тизимиға кирмайдиган, аммо фуқаролар ва ҳокимият органлари ўртасидаги низоларни кўриб чиқадиган ихтисослаштирилган трибуналлар (квази-суд) ташкил этилган, бунда ҳуқуқий низода хусусий шахсларнинг вакиллари, ҳокимият тарафда эса, давлат вакиллари иштирок қилишади¹².

⁹ Аврутин Ю.Е. Поможет ли административное судопроизводство обеспечить эффективность государственного управления? // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. 2015. № 2. С. 40-50. 47-б.

¹⁰ Орлов А.В. Активная роль суда в административном судопроизводстве // Российский судья. 2016. № 8. С. 12-15. 14-б.

¹¹ Бондаренко А.В. СТАНДАРТИ ПРАВА НА ДОСТУП ДО СУДУ ТА СПРАВЕДЛИВОГО СУДОВОГО РОЗГЛЯДУ В АДМІНІСТРАТИВНОМУ СУДОЧИНСТВІ. // Науково-інформаційний вісник Івано-Франківського університету права ISSN 2618-0308 (Online) імені Короля Данила Галицького: Журнал. Серія Право. Вип. 15(27), Т. 2, 2023. 81-86-б.

¹² Зверева Т.В. Особенности осуществления административного судопроизводства в России и зарубежных странах // Современные научные исследования и инновации. 2019. № 3 [Электронный ресурс]. URL: <http://web.snauka.ru/issues/2019/03/88912> (дата обращения: 22.03.2021).

Буюк Британия маъмурий суд таркибига маъмурий суд киради ва у судларнинг, трибуналлар ҳамда бошқа орган қарорларини кўриб чиқишига ваколатли ҳисобланади¹³. Шунингдек, бу каби ваколатларга апелляция суди, олий суд, графлик судлари, магистрат судлари ҳам эга.

АҚШ ва Буюк Британияда ўзига хос квази-судлар ижро этувчи ҳокимият тизимининг ихтисослашган органлари сифатида мавжуд бўлиб, улар умумий судлар билан бир қаторда маъмурият устидан назоратни амалга оширади. Бироқ, улар бошқарув функцияларини бажармайди ва уларнинг таркибига судьялар эмас, балки ўз вазифаларини доимий равишда бажарадиган мансабдор шахслар киради. Маъмурий низолар умумий юрисдикция судларида бўлгани каби кўриб чиқилади¹⁴.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда суд жараёнини тартибга солувчи алоҳида процессуал қонунлар мавжуд. Масалан, Германияда, 1960 йилдаги “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги қонун қўлланилади, АҚШда ва айрим штатларда “Маъмурий тартиб тўғрисида”ги қонун (1946 йил), Англияда 2007 йилги “Трибуналлар, судлар ва ҳукуқни қўллаш тўғрисида”ги қонун, Испанияда 1998 йилги “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги қонун амал қиласди. Швейцария ва Германияда маъмурий процедуралар фақат алоҳида маъмурий хужжатларга тааллуқли бўлса, Францияда норматив-ҳукуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнини ҳам тартибга солади¹⁵.

Ривожланган мамлакатларда процессуал қонунлар тўғрисидаги юқорида айтиб ўтилган маълумотлар асосида қўйидаги хуносалар чиқариш мумкин:

Маъмурий ишларни тартибга солувчи алоҳида процессуал қонунлар ривожланган мамлакатларда амал қиласди. Масалан, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Испания ва бошқалар. Швейцария ва Германия каби баъзи мамлакатларда маъмурий процедуралар фақат алоҳида маъмурий хужжатларга нисбатан қўлланилади. Францияда қонун шунингдек, норматив-ҳукуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш тартибини ҳам тартибга солади.

Процессуал қонунлар маъмурий ишларни тартибга солувчи асосий принциплар ва тартибларни белгилайди. Ушбу қонунлар кўпинча турли судлар ва уларнинг ваколатларини, шикоят бериш тартибини, далилларга доир қоидаларни ва суд ишларининг бошқа жиҳатларини белгилайди. Ҳар бир

¹³ Слепченко В.А. Некоторые аспекты административной юстиции в зарубежных странах и в России // Вопросы российской юстиции. 2020. № 5. С. 250-261. 256-б.

¹⁴ Слепченко В.А. Некоторые аспекты административной юстиции в зарубежных странах и в России // Вопросы российской юстиции. 2020. № 5. С. 250-261. 257-б.

¹⁵ Дадашев Р.С. Административное судопроизводство в Европе. Административные суды: становление института // Молодой ученый. 2020. № 22 (312). С. 238-242.

мамлакат маъмурий процессга ўзининг ҳуқуқий анъаналари ва институционал хусусиятларини акс эттирувчи ўзига хос ёндашувга эга. Масалан, Буюк Британияда ихтисослаштирилган суд (трибунал)ларнинг мавжудлиги функцияларни ажратиш ва ишларни янада самарали қўриб чиқиш имкониятини кўрсатади.

Процессуал қонунларнинг асосий мақсади фуқароларнинг суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқини, уларга ҳокимият органлари хатти-харакатлари устидан шикоят қилиш механизмларини тақдим этиш ва қонун олдида тенгликни кафолатлаш орқали таъминлашга хизмат қиласди. Процессуал қонунлар маъмурий одил судловнинг адолатли ва самарали ишланини таъминлаш учун муҳим восита бўлиб хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. //Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон.
3. Соловьев А.А. Общая характеристика правового положения сторон административного судопроизводства // Административное право и практика администрирования. 2018. №1. С. 33-43.
4. Козырин А.Н. Административное право зарубежных стран. М.: Spartak, 1996. 229 с. 50-б.
5. Силайчев М.В. Федеральный закон «Об административных процедурах» - предмет правового регулирования // Актуальные проблемы российского права. 2007. №2. С. 65-71. 67-б.
6. Силайчев М.В. Федеральный закон «Об административных процедурах» - предмет правового регулирования // Актуальные проблемы российского права. 2007. №2. С. 65-71. 68-б.
7. Чатурведи А.А., Капустин С.А. Административная процедура в США и ее правовое значение // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2011. №9. С. 192-199. 193-б.
8. Конституция Соединенных Штатов Америки 1787 г. // Соединенные Штаты Америки. Конституция и законодательные акты: пер. с анг. / сост.: В.И. Лафитский, под ред. и со вступ. ст. О. А. Жидков. М.: Прогресс-Универс, 1993.

9. Аврутин Ю.Е. Поможет ли административное судопроизводство обеспечить эффективность государственного управления? // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. 2015. № 2. С. 40-50. 47-б.
10. Орлов А.В. Активная роль суда в административном судопроизводстве // Российский судья. 2016. № 8. С. 12-15. 14-б.
11. Бондаренко А.В. Стандарти права на доступ до суду та справедливого судового розгляду в адміністративному судочинстві. // Науково-інформаційний вісник Івано-Франківського університету права ISSN 2618-0308 (Online) імені Короля Данила Галицького: Журнал. Серія Право. Вип. 15(27), Т. 2, 2023. 81-86-б.
12. Зверева Т.В. Особенности осуществления административного судопроизводства в России и зарубежных странах // Современные научные исследования и инновации. 2019. № 3 [Электронный ресурс]. URL: <http://web.s nauka.ru/issues/2019/03/88912> (дата обращения: 22.03.2021).
13. Слепченко В.А. Некоторые аспекты административной юстиции в зарубежных странах и в России // Вопросы российской юстиции. 2020. № 5. С. 250-261. 256-б.
14. Слепченко В.А. Некоторые аспекты административной юстиции в зарубежных странах и в России // Вопросы российской юстиции. 2020. № 5. С. 250-261. 257-б.
15. Дадашев Р.С. Административное судопроизводство в Европе. Административные суды: становление института // Молодой ученый. 2020. № 22 (312). С. 238-242.